

# ЎЗБЕК ИСТОН БУНУОДКОРИ



UZBUNYODKOR



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkori@uamail.uz

## СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

### Шу куннинг гаплари

Хукуматнинг қарори билан 2021–2025 йилларда судларнинг бинолари ва хоналарини қуриш ҳамда реконструкциялаш дастури тасдиқланди. Дастур доирасида

**31** та суд бинолари қурилиб, **107** таси реконструкция қилинади.

2021 йил 1 мартдан икки қаватдан юқори (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган бино ва иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш объектнинг лойиҳа ҳужжатлари

**Мажбурий**  
**Экспертизадан** ўтказилган ҳамда Қурилиш вазирлиги қошидаги Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан

**Давлат қурилиш назорати** ўрнатилган ҳолда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Ўзбекистон фуқаролари ҳамда мамлакатда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслардан ундирилган туристик (меҳмонхона) йиғими яшалган кун учун – БҲМнинг 0,4 фоизи ёки **980** сўм этиб белгиланди.

## СИРДАРЕ ВИЛОЯТИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 1 март куни

Сирдарё вилоятининг инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Жорий йил учун мазкур вилоятда 737 та лойиҳа шакллантирилган. Уларнинг умумий қиймати 25 триллион 500 миллиард сўм бўлиб, шундан қарийб 900 миллион долларини хорижий инвестициялар ташкил этади. Лойиҳалар натижасида йилга 11 триллион сўмлик ишлаб чиқариш қуввати, қарийб 36 минг иш ўрни яратиш мақсад қилинган. Яна бир муҳим томони, янги корхоналар 326 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш, 124 миллион долларлик импорт ўрнини босиш имконини беради. Лойиҳаларни шакллантиришда тўқимачилик, қурилиш материаллари, фармацевтика ва озиқ-овқат санати “драйвер” сифатида белгилаб олинган.

Сирдарё вилоятда 200 минг тоннадан зиёд пахта етиштирилади. Дав-

латимиз раҳбарининг қайта ишлашни чуқурлаштириш, хомашёни қўшилган қийматли маҳсулотга айлантириб сотишга қаратилган сиёсати натижасида бу борадаги кўрсаткичлар ўсиб бормоқда. Хусусан, 2020 йилда вилоятда маҳаллий хомашёдан трикотаж мато тайёрлаш даражаси 70, кийим-кечак ишлаб чиқариш даражаси 75 фоиз бўлган бўлса, жорий йилда буларни 100 фоизга етказиш мўлжалланган.

Тўқимачилик соҳасида амалга оширилаётган 29 та лойиҳа бунда муҳим ўрин тутди. Уларнинг самарасида қарийб 818 миллиард сўмлик ишлаб чиқариш қуввати ташкил этилиб, қўшилган қиймат 2,5 баробар ортади. 6 минг 600 дан зиёд иш ўрни яратилади.

Қурилиш материаллари sanoatida 16 та лойиҳа режалаштирилган.

Масалан, Янгийер шаҳрида кафел, Сайхунбод туманида газоблок, Ховос туманида гипскартон ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Барча корхоналарни шу йил ишга тушириб, 2 мингга яқин кишининг бандлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Озиқ-овқат тармоғида мева-сабзавотларни қайта ишлаш, мош етиштириб, экспорт қилиш, балиқчилик кластери ташкил этиш каби 51 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Буларнинг натижасида бозорга арзон ва сифатли маҳсулотлар чиқарилиб, нарх-наво барқарорлигига ҳисса қўйилади. 3 минг 500 га яқин кишининг бандлиги таъминланади.

Фармацевтика соҳасидаги 9 та лойиҳанинг ҳам самарадорлиги юқори. Гулистон шаҳри ва Сирдарё туманида фойдаланишга топширилаётган

корхоналарда инфузион эритмалар, таблеткалар ва бошқа тиббий воситалар ишлаб чиқарилади.

Давлатимиз раҳбари Мирзаобод туманида Гужарат sanoat zonasini ташкил этиш лойиҳасига алоҳида аҳамият қаратди. Олий даражадаги келишувлар натижаси бўлган ушбу мажмуада иқтисодиёт талаб этаётган муҳим лойиҳалар жойлаштирилмоқда. Хусусан, у ерда томчилатиб суғориш ва иссиқхона жиҳозлари, қишлоқ хўжалиги техникаси агрегатлари ва минитехникалар, пластмасса буюмлар, трикотаж, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 8 та корхона бўлади. Уларда 1 минг 600 дан зиёд киши ишлайди. Йилга 25 миллион долларлик экспорт имконияти яратилади.

Бугунги кунда мазкур sanoat zona учун 40 гектар ер ажратилган. Уни

ташкил этишга 100 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этилиши белгиланган. Корхоналар 2021–2023 йилларда бирин-кетин ишга туширилади.

Президент лойиҳалар ижросида сифат ва муддатга алоҳида эътибор қаратиш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан кўрсатмалар берди. Сирдарё вилоятининг Тошкент шаҳрига яқинлиги, темир йўл инфраузими билан фойдаланиб, логистикани ривожлантириш, қўшни давлатлар билан ҳамкорлигини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Тақдимотда, шунингдек, аҳолини камбағалликдан чиқариш, ёшлар ва аёллар бандлигини ошириш борасидаги ишларга ҳам тўхталиб ўтилди.

У.а.



## Сардоба сув омбори – БАРЧА ВАЗИФАЛАР БАЖАРИЛАДИ

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,  
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигида “Сардоба сув омборини қайта тиклаш режалари ва амалга оширилган вазифалар” мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида тегишли вазирлик ва идоралар масъуллари, соҳа мутахассислари, ОАВ ходимлари иштирок этди.**

турли даражада тан жароҳати олган, тошқин зонасида қолиб кетган юзлаб одамлар қўқаририлган. Афсусланарлиси, 4 нафар фуқаро табиий офат оқибатида ҳалок бўлиб, 1 нафари бедарак йўқолган эди.

Ҳозирги кунда Сардоба сув омборини қайта тиклаш бўйича катта ҳажмдаги муҳандислик-қидирув ишлари амалга оширилмоқда, хусусан, лаборатория таҳлиллари олиниб, илмий-техник асослаш мақсадида изланишлар давом этапти. Объектнинг амалдаги ҳолати дастлабки лойиҳа ечимларига қанчалик мувофиқлиги ҳам текширилмоқда. Бу ўрганишлар келгусида ноҳуш ҳолатларнинг яна такрорланмаслиги, фалокатларнинг олдини олиш мақсадида қилинапти. Сирдарё вилоятида йирик сув омбори қурилишидан асосий мақсад Токтагул сув омборидан келатган сувларни новететив пайтларда йиғиб бориш ҳамда Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги суғориладиган ерларни сув билан таъминлашдан иборат.

Дастлабки босқичда объект лойиҳасини ишлаб чиқиш учун норматив ҳужжатлар талаблари доирасида муҳандислик қидирув ишлари амалга оширилган бўлиб, ўрнатилган тартибда лойиҳаолди (ТИА) ва лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, экспертизадан ўтказилди ва тасдиқланган.

Тадбирда дастлаб Қурилиш вазирлиги Батир Закиров сўзга чиқиб, Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ислохотлар, аввало, инсон манфаатлари учун хизмат қилаётганини ва бу янгиликларда ҳар бир фуқаро ўзининг дахлдорлик позицияси билан фаол иштирок этишини таъкидлади. Янгиликлар жараянида ҳар бир инсон очик маълумот олиш ҳуқуқига эга эканини айтиб, матбуот анжуманида Сардоба сув омборини қайта тиклаш ишлари билан таништирди.

Анжуманда маълум қилинганидек, Сардоба сув омборидаги фавкуллда вазият туфайли Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларидаги 24 та маҳалладан 90 мингга яқин фуқаро зудлик билан хавфсиз ҳудудга эвакуация қилинган. Ҳодиса оқибатида 56 киши

2-бет

## Наманган шаҳар Ёшлар кутубхонаси – ЗАМОНАВИЙ БИЛИМ МАСКАНИ

Абдулазиз МУСАЕВ,  
ЎЗА мухбири.

**Кутубхоналар қадимдан зиё маскани бўлиб келган. Ҳар бир инсон ёшлик чоғларидан билим масканларида таҳсил олган экан, қалбидан китобга бўлган илк меҳру ҳавасни уйғотган кутубхоналар унинг келажак орзуларига замин ҳозирлайди.**

Тараққиёт шиддат билан одимлар экан, кутубхоналарда ҳам ишни янгилаш ташкил қилиш ва илғор ахборот-технологияларидан фойдаланишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Бу борада мамлакатимизда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.


Наманган шаҳридаги Ёшлар кутубхонаси замонавийлиги, барча учун қулай шароитлар яратилгани билан ажралиб туради. Илм маскани бир пайтда 500 нафар китобхонага хизмат кўрсатади.

Иншоот 3 қаватли бўлиб, аҳоли, айтиқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, китобонлиқни тарғиб этишга хизмат қилади. Зиё масканида 250 минг китоб сақлаш учун махсус жой, ўқиш заллари, компьютер хоналари, қаҳвахона, болалар майдончаси ва фавворалар бор.

2-бет



## НОВЫЙ ГРАДОСТРОИТЕЛЬНЫЙ КОДЕКС ПРИЗВАН СЛУЖИТЬ ВО БЛАГО НАРОДА



2-бет

## Сардоба сув омбори – БАРЧА ВАЗИФАЛАР БАЖАРИЛАДИ

1-бет

Курилиш вазири Батир Закиров ҳозирги кунда сув омборида юзага келган техноген офатнинг сабабларини ўрганиш ҳамда бундай ҳолатлар қайта такрорланганини олдини олиш мақсадида Москва давлат қурилиш университети олимлари жалб қилиниб, техник ечимлар тўлиқ ўрганиб чиқилаётгани ҳамда муҳандислик-қидирув ишлари "УзГАСКЛИТИ" ДУК ташкилоти томонидан россиялик мутахассислар билан бирга олиб борилаётганини айтиб ўтди.

Тиклаш ишларини амалга ошириш мақсадида "Гидролойҳа" АЖ билан ҳамкорликда, келишилган ҳолда лойиҳа ишлаб чиқилди, бу лойиҳа юзасидан давлат экспертизаси томонидан 2021 йил 12 февраль куни 4-Э-сонли эксперт хулосаси берилган. Анжуманда мазкур лойиҳада назар-

да тутилган ишлар ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

– Москва давлат қурилиш университети олимларини ушбу масалага жалб қилишимиз бежизга эмас, – деди Қурилиш вазири. – Жаҳонда катта тажрибага эга бўлган мазкур олийгоҳ мутахассислари билан ҳамкорлигимиз келгусида яхши самара бериши шубҳасиз. Сардоба оқибатларини ўрганиш бораборида муаммоларни бартараф этиш борасида бу мутахассислар ўз лойиҳаларини ҳам тақдим этди. Ҳозирги кунда Италия, Туркия, Корея каби 5 та давлат вакиллари жалб этган ҳолда, консорциум ташкил этиш арафасидамыз. Бу борада уларнинг тажрибасини ўзлаштириш ниятидамыз.

– Сардоба сув омборидаги офат барчамиз учун сабоқ бўлди, – деди Сув ҳўжалиги вазири Шавкат Ҳамроев. – Умид қиламизки, бундай ҳолат-

лар бошқа такрорланмайди ва бунинг учун нуфузли олим ҳамда мутахассисларни жалб этган ҳолда ишчи гуруҳлари, махсус комиссия тузилган. Улар иштирокида юртимиздаги барча сув омборлари кўриб чиқилиб, зарур чоралар белгилаб олинди ва Дастур ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритилган.

Ҳўш, янги лойиҳа қандай бўлади, Сардобанинг янгида қурилиши аҳолининг хавотирига сабаб бўлмайми? Журналистларнинг шу каби саволларига ҳам атрафлича жавоб қайтарилди.

– Бугун олдимизга бир қатор вазифалар қўйилган, – деди Қурилиш вазири. – Ушбу офатни келтириб чиқарган барча оммилар ўрганилмоқда. Республикадаги мавжуд сув омборларининг инвентаризацияси бўйича Давлат раҳбарининг берган топшириқлари ижроси босқичма-босқич амалга

ошириляпти. Сув омборларининг бугунги ҳолатини ўрганиб чиқиш учун маблағлар ажратилиши кўзда тутилган. Сув омборлари эксплуатациясини амалга ошириш, жаҳон стандартлари асосида уларнинг мониторингини йўлга қўйиш ҳам режалаштирилган. Бу эса янги замонавий технологиялар асосида, фазовий тарзда тегишли компаниялар иштирокида сув омборларини мониторинг қилиш имкониятини беради. Ишчи гуруҳларини ташкил этиш, назорат тизимини замонавий техникалар билан таъминлаш вазифаларининг бажарилиши билан эса сув иншоотларининг ҳолати, унинг ўзгаришларини кузатиш ва муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш масалалари янада оидинлашади.

Анжуманда ОАВ ходимларининг Сардоба сув омборини тиклаш билан боғлиқ саволларига атрафлича жавоб қайтарилди.

## НОВЫЙ ГРАДОСТРОИТЕЛЬНЫЙ КОДЕКС ПРИЗВАН СЛУЖИТЬ ВО БЛАГО НАРОДА

**За прошедшие четыре года наша страна претерпела стремительное развитие в строительной отрасли. Кардинально меняется внешний облик городов и сел. Строительный комплекс в республике становится определяющим в развитии экономики. Однако, при этом, строительная индустрия сталкивается с рядом проблем, тормозящих развитие отрасли.**



вольной постройки, участия граждан в общественном обсуждении и т.д.

**второе**, отдельной статьей были включены нижеперечисленные **основные принципы регулирования строительства государством**:

– обеспечение комплексного и устойчивого развития территории на базе территориального планирования;

– обеспечение сбалансированного учета экологических, экономических, социальных и других факторов при осуществлении градостроительной деятельности;

– ответственность органов государственной власти и управления, а также их должностных лиц; – открытость и прозрачность процесса разрешения на строительство;

– ответственность за нарушение законодательных актов о градостроительной деятельности.

При включении принципов был изучен опыт Азербайджана и Российской Федерации, и использованы соответствующие нормы Градостроительного кодекса Российской Федерации.

**третье**, также, были включены **нормы внедрения нормативно-технических документов и их каталогов**, т.е. была внесена новая норма, определяющая порядок размещения на официальном веб-сайте Министерства строительства информации о внесенных изменениях в утвержденные градостроительные нормы и правила;

– определение Кодексом порядка, сроков и направлений градостроительных норм позволит своевременно разрабатывать нормы и усилению их действенности;

**четвёртое**, во исполнение задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан по обеспечению участия общественности в обсуждении решений в сфере градостроительной деятельности, в новую редакцию Кодекса были включены более 10 новых статей.

При разработке указанных статей был широко использован опыт и законодательные акты США, Канады, Великобритании, Финляндии.

Включение новых норм позволит обеспечить всестороннее изучение мнений граждан при принятии решений в сфере градостроительной деятельности и широкого участия общественности при решении других вопросов, а также создаст условия для сохранения окружающей среды и защиты здоровья населения.

**пятое**, в проект новой редакции Кодекса включена **новая статья, определяющая основные направления возмещения убытков, причиненных юридическим и физическим лицам при ведении градостроительной деятельности**, что позволит созданию на уровне Закона возможности укрепления гарантированных прав собственников, а также устранение недостатков, которые имеют место при возмещении причиненного вреда при изъятии земельных участков, на которых расположены здания и сооружения субъектов предпринимательства, в рамках эффективной реализации государственных программ и инвестиционных проектов, направленных на осуществление градостроительной деятельности, создание достойных условий жизни, комплексного развития территорий;

**шестое, порядок разработки и составления государственного договора на подряд** тоже отражены в новой редакции Кодекса, согласно которому выполнение подрядных работ осуществляются только на основании договора;

**седьмое**, включены ряд новых статей по **проведению государственной экспертизы проектной документации**, которые имеют законодательный статус и объединяют нормы нормативно-правовых актов, принятых по проведению экспертизы градостроительной документации, а также определяют права и обязанности экспертов;

**восьмое**, в проект новой редакции включена **отдельная статья о поддержке государством развития конкурентной среды среди субъектов градостроительной деятельности**, что позволит создать благоприятную среду для привлечения крупных инвестиций в строительную отрасль и улучшить бизнес-климат в данном направлении;

**девятое, порядок аккредитации и лицензирования** в градостроительной деятельности включены отдельными статьями. Устанавливается, что лицензирование в строительстве осуществляется уполномоченным государственным органом в области градостроительной деятельности, т.е. Министерством строительства. Определяется соблюдение подрядчиками по отдельным видам строительства законодательных актов о градостроительстве и обязательное наличие у них лицензии, выданной Министерством строительства.

Кроме того, в статью 27 действующей редакции Кодекса включены новые нормы, имеющие непосредственное отношение к процедуре согласования градостроительной документации.

**Десятое**, в новую редакцию Кодекса включены новые нормы, напрямую влияющие на **осуществление надзора над строительством**, которые объединены одной главой.

В данной главе отражены:

– виды надзора над строительством, полномочия инспекции государственного контроля и ее территориальных инспекций государственного контроля в сфере строительства, государственный надзор над строительством, технический надзор заказчика в строительстве, авторский надзор проектной организации в строительстве и внутренний надзор подрядной организации в строительстве, организация и реализация строительных работ, а также приёмка объектов в эксплуатацию, которые представлены новыми отдельными статьями. Указанные статьи включаются в результате изучения опыта, применённого в законодательных актах и подзаконных актах о градостроительстве Республики Азербайджан, Российской Федерации и Республики Казахстан.

Данными статьями определяются виды надзора в строительстве, полномочия государственных инспекций, функции технического, авторского и внутреннего надзора. Кроме того, порядок организации и реализации строительных работ, приёмка объектов в эксплуатацию вносятся в новую редакцию.

В проект новой редакции вносится новая статья о страховании градостроительной деятельности, которое осуществляется в порядке, определенном законодательными актами. Внесение данной нормы позволит осуществлять обязательное страхование имущественную ответственность физических и юридических лиц, имеющих лицензию на выполнение строительных и проектных работ, обеспечит страхование объектов строительства, строительного оборудования и техники от непредвиденного выхода из строя или ликвидации, что предопределяет увеличение объемов инвестиций в строительную отрасль.

**В целом в новой редакции Кодекса** создаются новые правила и порядки для определения городских границ, направленных на устранение бюрократических препон при разработке и утверждении генеральных планов населенных пунктов;

четко и конкретно определяются порядок, сроки и направления градостроительных норм и правил; вносится новая статья о страховании градостроительной деятельности, что позволит улучшить инвестиционный климат в сфере строительства; обеспечение широкого участия общественности в обсуждении вопросов градостроительной деятельности создаст условия для охраны окружающей среды и защиты здоровья населения, а также для принятия рациональных, разумных и справедливых решений в области градостроительства;

обозначены функции государства при регулировании градостроительной деятельности.

Подытоживая вышесказанное хочется отметить, что новая редакция Кодекса направлена на совершенствование проектных, строительных работ с учетом передового местного и зарубежного опыта, практическую защиту интересов общества и государства, юридических и физических лиц в том числе субъектов предпринимательства, улучшение архитектурного облика населенных пунктов и повышение жизненного уровня населения.

**Вахобжон МУРАТКАБИЛОВ,**  
Председатель комитета промышленности,  
строительства и торговли  
**Олий Мажлиса Республики Узбекистан.**



## Наманган шахар Ёшлар кутубхонаси – ЗАМОНАВИЙ БИЛИМ МАСКАНИ

1-бет

Шунингдек, имконияти чекланганлар учун махсус ўқув хонаси ҳам ташкил этилган бўлиб, унда брайл алифбосидаги нашрлар ва компьютерларда махсус "Javs" дастури ўрнатилган. Аҳоли, айниқса, китобхоналарга китоб савдоси учун дўкон ишга туширилди, унда қўшимча хизматлар ҳам кўрсатилади. Компьютерлаштирилган 70 ўринли ўқув ва интернетдан фойдаланиш учун яшил майдон, 80 ўринли кафетерия ва фойе барпо этилди.

– Ёшлар кутубхонасида замонавий ахборот технологиялари ёрдамида фойдаланувчиларнинг мунтазам ва мустақил таълим олишига қўмақлашади, – дейди Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Умида Тешабоева. – Маълумотларнинг электрон базалари, интернет ресурслар орқали аҳолига қулай ахборот хизмати кўрсатилади. Айниқса, турли йўналишлардаги хиз-

орқали биз барча рақамли китобларни жойларда фойдаланувчиларга етказиш имконини яратдик. Ушбу IT марказларида энди таълим олиш билан бирга, кутубхона сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Ёшлар кутубхонасида IT Park билан ҳамкорликда иккита ўқув хонаси ҳам очилди. Бу ерда ёшлар дастурлаш, компьютер технологияларидан фойдаланиш, дизайн бўйича билим олади. Эътиборлиси, ушбу ташаббус IT Park Наманган вилояти резидентлар томонидан амалга оширилмоқда.

Асли Поп туманилик 23 ёшли Норбек Юсуфжонов Жанубий Корея университетидан "Computer science and engineering" факультетидан таълим олади. У айти пайтда академик таътил кунларини мазкур кутубхонада худуд ёшларига рақамли технологиялар бўйича амалий дарслар ўтмоқда.

– Фаолиятимизни бошлаганимизга кўп бўлмаган бўлса ҳам ушбу соҳани ўрганишга қизиқув-



матлар рўйхати кенгайтирилиб, компьютерлаштирилган.

Ёшлар кутубхонаси 100 мингдан зиёд турли бадиий ва илмий адабиётлар, ўқув қўлланмалар билан таъминланди. Уларнинг 10 мингта Россия давлатидан келтирилган. Шунингдек, 100 мингта турли мавзудagi китобнинг электрон варианты ҳам сақланади.

Бинонинг учинчи қавати IT Park негизда ташкил этилган рақамли кутубхона мавжуд. Унинг электрон базасида 3 миллиондан ортиқ рақамли китоблар, мингдан зиёд аудио китоблар жамланган.

– Ҳозирга қадар кутубхоналарда IT Парклар жойлаштирилмаган эди, – дейди IT Park директори Фарход

чи ёшларнинг сафи кенгайиб бормоқда, – дейди Н.Юсуфжонов. – Ҳозир Наманган рақамли кутубхонаси ва соғлиқни сақлаш тизими бўйича янги лойиҳалар устида ишлаяпмиз. Ҳусусан, Наманган рақамли кутубхонаси такомиллаштириш орқали дунёдаги энг нуфузли кутубхоналарга бепул уланиб, уларнинг китоб фондидан фойдаланиш имкони бўлади.

Аслида халқимиз кутубхонани – нурухонага қўйсалади. Зотан, зиёга ташна бўлган адабиёт ихлосқандлари ва илм толибларининг қадами бу даргоҳдан узилмайди. Бу эса ўғил-қизларнинг ақл-заковати ва тафаккур олами кенгайишида муҳим ўрин тутаети.



Ибрагимов. – Наманган вилоятида бу тажриба илк бор амалга оширилди. Бунинг аҳамияти шундаки, Ёшлар кутубхонасида энди дунёдаги деярли барча рақамли китоблардан фойдаланиш имкони яратилди. Афсуски, ҳозирча шу каби кутубхоналарни узоқ қишлоқларда очилмаяпти. Бироқ IT Паркнинг ҳар бир туманларда марказлари бор. Шулар

Таъкидлаш жоизки, Наманган шаҳрида Ёшлар кутубхонасида кирган инсон ўзгача муҳитга тушгандек бўлади. Илмга чанқоқ ёшларнинг ҳар бириси китоб бор. Билим олиш, янги марраларни забт этиш ва малакали мутахассислар бўлиб юрт қорига ярайдиган фарзанд бўлиши ўз олдига мақсад қилишган.



# Ер остига – горизонт бўйича 660 метр чуқурликка саёҳат

Абдували БҮРИЕВ,  
ЎЗА муҳбири.

**Юртимиздаги фойдали қазилмаларнинг асосий конлари Марказий Қизилқум минтақасида жойлашган. Бугунги кунда уларни ўзлаштириш, энг янги техника ва технологияларга асосланган замонавий корхоналарни фойдаланишга топшириш ҳамда мамлакатимиз иқтисодий ривожига Навоий кон-металлургия комбинатининг алоҳида ўрни бор.**

Таъкидлаш ўринлики, мамлакатимиздаги энг йирик sanoat корхонасида айна пайтда 60 мингга яқин ходим меҳнат қилади. Бу ерда олтин, уран, нодир металлар, қурилиш ва дастгоҳсозлик sanoati учун зарур маҳсулотлар, кенг турдаги халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилади. Комбинат юртимиздаги жами sanoat маҳсулотининг 10 фоизини ва бюджет даромадининг 18 фоизини таъминлайди.



Маълумотларга қўра, комбинат олтин ишлаб чиқаришга дунёда 10-ўринда туради.

Навоий кон-металлургия комбинатини ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ортмоқда. Жумладан, НКМКни 2026 йилгача ривожлантириш дастури доирасида умумий қиймати 3 миллиард доллардан зиёд қарийб 30 га яқин йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган. Бу 30 миңдан зиёд янги иш ўрни яратиш имконини беради. 3 миллиард долларлик лойиҳанинг 2 миллиард 200 миллион доллари НКМКнинг ўз маблаглари ҳисобидан, 800 миллион доллари "Тикланиш ва тараққиёт" жамғармаси маблаглари ҳисобидан қопланади.

Айни пайтда "Ауминзо-Амантой" кони, шунингдек, "Мурунтов" конини ўзлаштириш, 3-гидрометаллургия заводида ишланishi қийин бўлган рудалардан олтин ажратиб олиш технологиясини такомиллаштириш бўйича иш олиб борилмоқда. Кон бошқармалари ва йирик sanoat объектилари негизда Учқудук, Зарафшон, Нурабод, Заркент ва Маржонбулок шаҳарлари барпо этилди. Ушбу масканлар йил сайин обод бўлиб, ҳар томонлама раванқ топмоқда. Худудда янги корхоналар қурилмоқда, жаҳон андозалари даражасидаги технологияларга асосланган ишлаб чиқариш қувватлари кенгаймоқда.

Албатта, бугунги кунда ўзбек олтиннинг юқори сифати бутун дунёда эътироф этилгани, мамлакатимиз олтин-валюта захиралари ортин, иқтисодий салоҳияти юксалиб бораётганида ҳам Навоий кон-металлургия комбинатининг алоҳида ўрни бор.

Комбинатда амалга оширилаётган ислотлар самаралари, тизимдаги корхоналар фаолияти, ишчи-ҳодимларга яратилган шароитлар билан танишиш мақсадида ЎЗА муҳбирлари ижодий сафарда бўлди.

Дастлабки манзил "Навоий машинасозлик заводи" ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлди.

## МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ – АМАЛДА

"Навоий машинасозлик заводи" ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳаллийлаштирилган маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг йирик машинасозлик корхоналаридан бирidir. Бу ерда 3 миң 600 нафардан зиёд ишчи-муҳандис меҳнат қилади. Улар томонидан "НМЗ" ёрлиги остида металл ва ёғочга ишлов берувчи дастгоҳлар, йирик автомобиллар учун мураккаб деталлар тайёрланади. Ута юқори аниқликдаги юксак сифатли металл конструкциялар, ускуна ва жиҳозлар ҳамда турли ўлчамдаги

эҳтиёт қисмлар ўз ишининг чинаяк усталари томонидан ясалмоқда.

Корхонада сўнгги йилларда аввал хоржидан сотиб олинган импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотларнинг 60 дан ортиқ турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 2020 йилда инвестиция лойиҳаси доирасида 5-сонли гидрометаллургия заводи учун лойиҳалаштиришнинг замонавий технологияларидан фойдаланган ҳолда завод тарихида илк марта МШР 2,1 х 3 метр шарли тегирмони ишлаб чиқарилди.

2020 йилнинг декабрь ойда технология жараёнларининг мураккаблиги билан боғлиқ хатарларга қарамадан, шунингдек, валюта маблағларини иқтисод қилиш ва янги турдаги маҳаллийлаштирилган маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мақсадида йирик ўлчамли МШЦ 5,5 х 6,5 метр шарли тегирмон якунига етказилди. Тегирмон Марказий кон бошқармаси 2-сонли гидрометаллургия заводида ишга туширилди. Натжидада 2,5 миллион АҚШ доллари микдоридига маблағ иқтисод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маққамасининг 2019 йил 28 декабрдаги "Навоий КМК" давлат



корхонасининг 2020-2021 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштириш дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни асосида 2020 йилда маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босиш дастурига асосан 316 454,6 миллион сўм микдорда 101 та лойиҳа амалга оширилди.

– 1М63Н, НТ-425 моделидаги токарлик дастгоҳларининг янги турлари, НФ-1200 моделидаги универсал фрезалаш дастгоҳи, шарли тегирмонлар, технологик жиҳатдан ишлаб чиқарилиши мураккаб бўлган Ц-50 куолтиргичи, гидроциклон қурилмалари, скрепер лебёдкаси, янги турдаги насослар, импорт редукторларнинг аналоглари, беркитиш арматуралари, кон-шахта ва технологик ускуналар учун эҳтиёт қисмлар, оғир юк ташувчи кон машиналарини капитал-тиклаш таъмирлаш каби маҳсулот ва хизматлар ўзлаштирилди, – дейди бирлашма бош муҳандиси ўринбосари Эркин Рўзиев. – Янги технологиялар ривожланиши, гидрометаллургия заводларининг ишлаб чиқариш қувватларининг ўсиши, рудани қазिश, ташиш ва қайта ишлаш ҳажмларининг ошиши сабабли 2020 йил мобайнида прогностдан ташқари қўшимча 13 та лойиҳа бўйича импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг мақсадида "НМЗ" ИЧБнинг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, Механик йиғиш

цахини техник ва технологик қайта жиҳозлаш (I-босқич) лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Бирлашмада 2020 йилда маҳаллийлаштириш дастури бўйича умумий қиймати 154 336,1 миллион сўм бўлган 91 та лойиҳа бўйича маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда умумий қиймати 400 975,3 миллион сўм бўлган 109 та лойиҳа бўйича маҳаллийлаштирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларини ишлаб чиқариш режалаштирилган.

## ҲАР ҚАРИЧ ОЛТИНГА БОЙ ЗАМИН

1976 йилда "Чормитан" қонидан очиқ усулда маъдан олиш йўлга қўйилган. Натжидада "Чормитан" деб номланган қишлоқча шаҳарчага айланди. Геология-қидирув ишларининг жадал сурыталарда олиб борилиши бу заминнинг зарга, яъни олтинга бойлиги бос Чормитан "Зармитан" деб ном олди. Олтин қазиб олувчи ишчилар яшайдиган алоҳида қўрғонча қурилиб унга "Заркент" деб ном берилди.

Вазирлар Маққамасининг 2002 йилдаги қарорига қўра, Зармитан ва Маржонбулок олтин конлари Навоий тоғ-металлургия комбинатининг Жанубий кон бошқармаси таркибига киритилди. 2005 йилнинг август ойда Республика Президентининг Зармитан олтин кони худудининг хом ашё базисини ўзлаштириш тўғрисидаги қарори қабул қилиниб, Заркент қўрғони улкан қурилиш майдонига айлантирилди.

Қувонарлиси, бугун ушбу сўлим гўша асло шаҳардан қолишмайди. Бу ерда кўп қаватли турар жой бинолари, "Акварик", ишчилар ётоқхоналари, "Кончи" маданият-спорт мажмуаси, "Ёшлар" кафеси, ҳарбийлаштирилган ёнгинг хавфсизлиги қисми биноси ва шунга ўхшаш бошқа иншоотлар Заркент қўрғони қўрғонча-қўрқ бағишламоқда. Утган давр мобайнида бу масканни ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш бўйича ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Айни пайтда ҳам янги кўп қаватли турар жойлар қурилиш давом этмоқда.

Дарвоқе, комбинат ташаббуси билан қўрғоннинг канализация тармоғига уланиши жуда катта янгиликдир. Бу каби имкониятлар, ҳаттоки, баъзи бир туман марказлари, қўрғон ёки шаҳарчаларда ҳам йўқ. Албатта, тараққиётга юзланаётган юртга ўзгаришлар, янгиликлар ярашади.

## ЕР ОСТИГА – ГОРИЗОНТ БҮЙИЧА 660 МЕТР ЧУҚУРЛИККА САЁҲАТ

Айтишларича, қончилиқ касби дунёдаги энг хавфли 10 та касбнинг бири сифатида тилга олинган экан. Албатта, ер остида ишлаш, тор йўлакчалар ва ҳаво танқислиги шароитида минерал тошларни майдалаш – бу ҳар қим ҳам удалдай оладиган машғул эмас. Шунинг учун кўпчилик бу касбни танламайди. Танлаганлар эса бир умр ўз касбига содиқ қолган ҳолда шарафлаб ўтишади.

"Ғужумсой" кони 2009 йилдан бошлаб ўзлаштирила бошланди. Айни пайтда таркиби олтинга бой бўлган тоғ жинслари қазиб олинаётган қонда 4 миң нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Кон 2 та тик ствол, яъни бош ва ёрдамчи стволлар билан очилган. Бош ствол орқали қазиб олинган фойдали қазилмалар юқориға – ер юзасига чиқарилса, ёрдамчи ствол эса ишчиларнинг шахтага тушиб чиқариш, асбоб-ускуналар, материалларни тушириб-чиқаришга хизмат қилади.

Тоза ҳаво оқими шахтага бош ствол орқали юборилади ва ишлатилган ҳаво ёрдамчи стволлар орқали ер юзига чиқариб юборилади. Қонда қия транспорт стволли (НТС) ҳам мавжуд.

Жанубий кон бошқармаси қончилиқ бўлими бошлиғи ўринбосари Абдуразақ Худоев, "Ғужумсой" кони



кон ишлари бўйича бош муҳандис ўринбосари Марат Нуралiev ҳамроҳликда махсус транспорт воситасида, қончиларнинг тили билан айтганда "автобус"да қия транспорт стволли орқали горизонт бўйича 660 метр ер остига тушидик.

Биринчи галда қончиларнинг махсус кийимларини кийиб, мутахассислардан қонда ҳаракатланиш хавфсизлиги бўйича кўрсатмалар олдик.

Ер қаърига тушиб борар эканмиз, очиги, дастлаб ҳар биримизда қўрқув бор эди. Зим-зиё қоронғилик. Машина чирогининг хира ёруғлиги ер қаърига сингиб кетади. Қоронғиликка кўзларимиз тезда мослашди. Йўл-йўлакчи ҳамроҳларимиз тош лаҳмага сўзлаб беришди.

– 2009 йилнинг ноябрь ойда қазила бошлаган лаҳма йил охирига қадар 110 метрга етказилган бўлса, 2020 йилнинг якунига қадар 25 миң метрга етказилди. Лаҳма қазиб ишлари олтин маъдани қазиб ишлари билан параллел равишда олиб борилмоқда. Жорий йилда олтин маъдани қазиб ҳажмини 750 миң тоннага етказишни режалаштирганмиз, – дейди А. Худоев.

Ер ости қия лаҳмида транспорт воситаси бир томонлама ҳаракатланади. Маълум бир узунликда қўшимча лаҳмлар мавжуд. Бу қарама-қарши томондан келаятган транспорт воситасига йўл бериш учун махсус қилинган. Пастга тушишимиз баробарида бир неча бор ана шу йўлакларга "беркинишимизга" тўри келди. Сабаби улкан машиналар тош ортан ҳолда ер қаъридан секинлик билан тепага чиқиб келарди. Суҳбатдошимизнинг таъкидлашича, уларнинг ҳар бири 20 тоннадан 30 тоннагача тошни юқориға олиб чиқар экан.

Қарийб ярим соатларча юрганимиздан кейин машинадан тушиб, гоҳ сув кечиб, гоҳида тош йўлдан юриб, шахта йўлини давом эттириш учун махсус перфоратор билан ер остидаги қаттиқ жисмларни бурғулаётган ва портлатиш ишларида тайёргарлик кўраётган қончилар олдиға бордик. Улар билан суҳбатлашдик. Ишчиларга яратилган шароитлар, ер остида тош қояларни тешиш ва белгиланган йўналиш бўйича портлатиш жараёни билан қизикдик.

Машинада ортага қайтар эканмиз, ер ости горизонтининг 240-метрида бир гуруҳ ишчиларга дуч келдик. Улар ўзларини геологлар деб таништиришди.

– Мана уч йилдикри, кон қазиб олиш участкаси биринчи бўлимида ишлайман, – дейди ўзини Хусниддин Абрив деб таништираган геолог. – Лаҳмада назорат ишини олиб бориб, белгиланган штрихларнинг ҳақиқат беш метрдан намуна олиб, захираны аниқлаймиз. Дастлабки маълумотларга қўра, захирамыз 80-100 йилга етади.

Ва ниҳоят ер устига – ёруғликка чиқдик. Тўғриси, инсонларнинг ер остидаги ҳаракатини киноларда кўрганимиз. Бугун эса НКМК раҳбарияти ёрдами ва бевосита ташаббуси билан ўзимиз ер остига – 660 метр чуқурликка тушиб, қончилар ҳаёти ва иш фаолияти билан яқиндан танишдик.

## ЎЗЛАБ ИНСОНЛАРНИНГ ТАФАҚҚУРИ, АҚЛУ ЗАКОВАТИ, ЗАҲМАТЛИ МЕҲНАТГА ҚЎЙILGAN ҲАЙКАЛ

Бунёд этилаётган замонавий корхоналар, ижтимоий объектлар қўламини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. 4-гидрометаллургия заводининг барпо этилиши ҳам ана шундай яратувчанлик йўлида олиб бораётган ишлардан биридир.

– "Зармитан" олтин маъдан конларини ўзлаштириш ва қайта ишлашга мўлжалланган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши Заркент қўрғонда қисқа муддатда 4-гидрометаллургия заводини қуриш заруратини келтириб чиқарди, – дейди завод

директори Асқар Зокиров. – Завод қурилиши 2009 йилнинг сентябрь ойда бошланиб, 2010 йилнинг июлида тугалланди. Бу комбинат тизимида тез сурыталар билан қурилган ягона заводдир. 4-гидрометаллургия заводида хоржида ишлаб чиқарилган энг замонавий технология ва асбоб-ускуналар ўрнатилди. Финляндияда ишлаб чиқарилган замонавий "С-125" русумли майдалагичда янчилган рудани саралаш Германия компаниясида ишлаб чиқарилган гидроциклонларнинг автоматлаштирилган тизимида амалга оширилмоқда. Завод фойдаланишга топширилиши туфайли илк мартада майда олтинларни гравитацион саралаш Канаданинг "Фалкон" компаниясида тайёрланган бешта марказдан қочма гравитацион аппаратларда интенсив гравитация усулида, таркибидан олтин бўлган бой концентратларни цаналаш Австралиянинг "Текко" компаниясида ишлаб чиқарилган иккита қурилма ёрдамида бажарилмоқда. Завод технологияси гоъта ноёблиги, технология жараёнларда ҳамдўстлик давлатларида ўхшаши бўлмаган, замонавий технология ва жиҳозлар қўлланилганлигини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Завод фойдаланишга топширилгандан олти ой ўтиб тоғ жинсларини майдалаш участкаси, 2012 йил июнь ойда иккинчи тегирмон блоки, 2013 йилнинг февраль ойда сорбция бўлими иккинчи навбати ишга туширилди. Айни пайтда заводда юзлаб маҳаллий кадрлар меҳнат қилмоқда.

Хуллас, Навоий кон-металлургия комбинати ДК бош директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Қувондик Санокулловнинг таъбири билан айтганда, зармитанликларнинг фаҳри бўлимиш 4-гидрометаллургия заводи мажозий маънода юзлаб инсонларнинг тафаккури, ақлу заковати, заҳматли меҳнатига қўйилган ҳайкалдир, десак муболаға бўлмайди.

## МУЗЕЙЛАР УЗОҚ ЎТМИШ, ШОНЛИ ТАРИХДАН СЎЗЛАЙДИ

Музейлар тарихимизни ўрганишга, кечаги ва бугунги ҳаётни таққослаб, жамиятимиз тараққиёти ҳақида тўғри хулоса чиқаришга хизмат қилади. Уларда сақланаётган турли экспонатлар ва экспозициялар халқимизнинг узоқ ўтмиши, шонли тарихи, аждодларимиз турмуш тарзи ҳақида бизга қатор маълумотларни тақдим этади.

НКМК тарихи музейи мухташам "Фарҳод" маданият саройининг 2-қаватида жойлашган бўлиб, комбинатнинг 60 йиллик тарихини ўзида муржа камлаштирган.

Музейни томоша қилар экансиз, комбинатнинг эгаллаб турган майдонини, фаолият қўлами, давлат учун даромадлилик даражаси, ишлаб чиқариш қувватларининг катталиги, маҳсулотлар турларининг кўпчилиги, банд бўлган ходимлар сони, хуллас, барча маълумотлар билан танишиш мумкин.

Навоий кон-металлургия комбинати уран қазиб олиш ва уни тайёр маҳсулот шаклида экспорт қилиш бўйича Ўзбекистондаги ягона корхона ҳисобланади. Комбинат жамоаси 1994 йилда биринчи марта уран қазиб олишининг ер остида танлаб эритмага ўтказиш усулини қўллаш ва ҳозиргача ушбу усулдан самарали фойдаланиб келмоқда.

Асосий маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан ташқари, комбинатда фосфорит хом ашёси, сульфат кислотаси, суяқ шиша, портловчи моддалар, поливинилхлорид материаллари, гранит, мәрмар, қум, оҳақтош, бетон, бетонасфалт каби қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Шунингдек, комбинат металл кесувчи дастгоҳлар, пайвандлаш электродлари, озик-овқат маҳсулотларини ҳам ишлаб чиқаришдан ташқари, sanoat асбоб-ускуналарини таймирлаш бўйича хизматларини ҳам амалга оширади.

– Ўзбекистон Республикаси харитаси ёнидамыз, – дейди музей директори Салима Холдодова. – Унда Навоий кон-металлургия комбинати томонидан ўзлаштирилиб, фаолият юратаятган конлар белгилаб қўйилган. Айни пайтда комбинатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Жиззах, Самарқанд ва бошқа худудларда турли даражадаги корхоналар мавжуд. Навоий, Учқудук, Зарафшон, Нурабод ва Маржонбулок шаҳарлари ҳамда Зафаробод ва Заркент қўрғонлари бевосита қончилиқ sanoati ривожланиши натижасида бунёд этилган аҳоли пунктларидир. Улар бир-бирлари билан автомобиль ва темир йўллари орқали боғланган ҳамда республиканинг ягона энерготизимиға улланган.

Музейнинг иккинчи залидаги экспозициялар НКМК ташкил топиш давридан ҳўжа қилади. Бу ерда комбинат тарихини фотосуратларда кўриб билиб олиш мумкин.

Музейда НКМК тизимидаги sanoat корхоналари макетлари ўрин олган бўлиб, уларни томоша қилар экансиз, заводлар ичига кириб қолгандек ҳис этасиз ўзингизни.



ЎЗА суратлари.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ**

**ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА  
ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ  
ЖАМОАСИ**

**8 МАРТ**  
Халқаро  
хотин-қизлар куни

*Билан муҳтарама  
онахонларимиз,  
қадрли опа-сингилларимиз  
ва қилбар қизларимизни  
чин қилдан қўтлайди.*



**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ**

**ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА  
ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ  
ЖАМОАСИ**

**8** март -

*бахор байрали,  
Халқаро хотин-қизлар куни билан  
ғўзал, оқила қизларимизни, мезри  
дарё онахонларимизни, мунис ва  
меҳнатқам она-сингилларимизни  
муворакбод этади.*



**БУХОРО ВИЛОЯТИ**

**ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА  
ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ  
ЖАМОАСИ**

*юртимизнинг  
барча хотин-қизларини,  
ҳурматдан, қурилиш соҳасида  
меҳнат қилаётган мунис  
аёлларимизни яқинлашиб  
қилаётган баҳор айёми —*

**8 март**  
байрами билан  
муворакбод  
этади.



**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ**

**ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ  
ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ**

*юртимиз аёлларини  
яқинлашиб қилаётган  
Халқаро  
хотин-қизлар  
куни билан  
табриклайди.*



1 март – Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия таваллуд топган кун

## Маликалардай улугвор, онадай меҳрли

Ўн дафтлар вақти келиб ҳаётининг бир бўлагига, кўзусига айланиб қолар экан. Сухбатлар, учрашувлар, мушоиралар, анжуманларда дўстларинг, устозларинг, дугоналарининг чеҳралари ён дафтар саҳифаларидан чиқиб келаверади. Улар юрагингга нур бағишлайди, кўнглингни тўлдирди, ўтган йўлларингга ёруғлик сочиб туради. Устоз Зулфия (1915-1996 йиллар) билан ёнма-ён ишлаган йилларим, дилдан сухбатлар менинг учун ана шундай ноёб бир тухфа бўлиб қолган. Кундалик дафтаримни ваққлайман. Зулфияхонимнинг иссиқ чеҳраси, самимий сўзлари, аслзода қиёфаси, меҳрибон нигоҳлари жонимга малҳам бўлади.



1982 йил 8 июнь. Ҳар йили Пушкиннинг таваллуд кунига бағишланган шеърят кечалари бўлиб ўтади. 7 июнь кунги “Баҳор” концерт залида устоз Зулфияхоним Пушкинхонлик кечасини бошқарди. Зал одамлар билан тўлган, саҳна чиройли безатилган, улугвор ва сипо либосларда Зулфия анжуманнинг маликасига ўхшардилар. Ўзбекча ва русча олиб борилган Пушкинхонлик кечаси жуда файзли, мароқли ўтди. Шоирлардан Гулчехра Жўраева ва Ҳалимаҳон Пушкин шеърларидан ўқишди. Ҳар бир шоирга сўз бераркан, ниҳоятда гўзал лутф билан уларни саҳнага чорлар эди Зулфия опа. Уша кунни тишлари огриса ҳам огриқли кайфиятларини мулқок сездирмай, Пушкинхонлик кечасини бошқарди. Эртаси кунги шаҳар келдилар ва хоналарга ўтаётди, менинг кабинетимга мўраладилар. Гулчехра Жўраева ва Шаҳодат Исахонова билан сухбатлашиб ўтирган эдик. Зулфия опа биз билан сўрашдилар, киринглар, соғиниб кетдим сизларни, дедилар. Устоз ҳузурда анча сухбат-

лашиб ўтирдик, шеърлар ўқидик, ҳаммамиздан ҳол-аҳвол сўрадилар. Мен церебролизин деган дори тополмаётганимни айтдим. Дарҳол дорихоналар бошқармасига телефон қилдилар. Чўқурсойдаги дорихонада бор экан, машиналарини юбориб, олиб келтириб бердилар. Энди яхши бўлиб кетасиз, деб тасалли бердилар. Устознинг бу меҳрибончилигидан кўнглим ийиб, аллақандай бир туйғу аро раҳмат айтаётгандай бўлди. Қўнглим ийиб, аллақандай бир туйғу аро раҳмат айтаётгандай бўлди. Қўнглим ийиб, аллақандай бир туйғу аро раҳмат айтаётгандай бўлди. Қўнглим ийиб, аллақандай бир туйғу аро раҳмат айтаётгандай бўлди.

1982 йил 10 июнь. Зулфия опа эрталаб ишхонага келиб, Эди Огнецветдан таржима қилган “Тасаввур этмам” сарлавҳали шеърни кўчиртирдилар. Кейин Максим Танқдан ўзлари ўзбек тилига ўтирган “Янка Купала қаршида” шеърини ҳам кўчиртириб, қайта кўриб “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасига бердик. Зулфия опа ҳар кунни саватчага солиб тарам-тарам

олмалардан биз учун олиб келардилар. Бизни хурсанд бахтиёр, чиройли кўрсалар, суюниб, мақтаб кўнғиллари тўлиб хурсанд юрардилар. Кўп шеърларини саҳарда ёганларини айтардилар. Аслида Зулфия опа қўш уйку эдилар. Кўпинча уйку дори билан ухлардилар. Яхши ухлалар ҳам доим ўқтам, жасур ва кўркам қиёфада ишга келардилар.

– Маним барча дардларим, қайғуларим – ҳаммаси уйда қолади. Остонадан қадам босиб чиқишим биланқоқ мен бошқа Зулфияга айланаман, – дердилар. Бетобиклари, нохуш кайфиятларини аτροφдагиларга сездириб ўтиришни ёқтирмадилар. Зулфия опа андек ғамгин, нохуш кўрсалар, биз дарров Ҳамид Олимжондан сўз очардик. Устознинг шеърларини ёд айта бошласам, Зулфия опа Ҳамид Олимжон шеърларидан ёд айтиб, сухбатимиз қизиқ, кайфиятлари кўтарилиб, жаннатмақдон шоиримиз Ҳамид Олимжон ҳақида яйраб-яйшаб сўз очардилар. Бир кунни ёзувчи Саъдул-

ла Сиёевнинг “Сарвиноз” ҳикоясини тайёрлаб, олиб кирдим. Зулфия опа ҳикояни ўқиб маъқулладилар. Ундаги йигит образини нимаси биландир Ҳамид Олимжонга ўхшатган эдилар.

Биз Ойдин опа (Собирова) ва Ҳамид Олимжон билан бирга театрга ёки уйлашувларга борсак, шундай қилар эдик. “Ҳозир Ҳамид Олимжон эшикни очиб, Ойдин опа билан мени ўтказиб юборардилар. Ҳозир Ҳамид Олимжон пальтоларимизни кийдириб қўядилар” дердик. Ҳамид Олимжон ёш боладай кўнониб, оппоқ тишлари чарақлаб кўларди-да, бизни олдинга ўтказиб юборар, пальтоларимизни кийдириб қўярди. Одамлар Ҳамид Олимжондай мағрур йигит шунчалар мулойим тортиб, гапга кирадиган бўлиб қолганига ҳайрон бўлишарди...

– Қиш кунлари эди, – сўзидан давом этади Зулфия опа. – Яхмалак отишга чиқдик. Ушанда Ҳулқар тугишига озгина қолганди. Яхмалак учай десам, учолмайман. Шунда Ҳамид Олимжон, қани, хоним, ўтиринг, мени пальтоимдан ушланг, мен сизни чана торт-

гандай яхмалак учираман, дер эди. Қийқириб, шодон бўлиб яхмалак учар эдик. Ҳамид Олимжон жуда меҳрли, сезгир, ниҳоятда топқир инсон эди. Бир кун зиёфатга бордик. Биландир пошнаги туфли кийиб олганман. Юришга қийнамаман. Қайтаётганимизда юриш яна машаққат бўлиб кетди. Шунда Ҳамид Олимжон, қани, хоним, туфлингизни ечиб менга беринг, мана бундан кийиб олинг деб, туфлисини ечиб оёғимга кийдириб қўйди. Мен Ҳамид Олимжоннинг катта туфлисини кийиб, у эса ялангоёқ уйга қайтганимиз... Ҳаётнинг бу қувончли, завқли лаҳзаларини у кўзлари ёниб, юзлари ёришиб, худди ўша ҳолатни қайта бошидан кечириётгандек, ҳузурланиб сўзларди. Балки мана шу лаҳзаларнинг сўмаси эди Зулфияга то сўнгги нафасигача куч-қувват, мадор, сабр-тоқат бергандир...

1983 йил 1 июль. Республикамининг жуда кўп жойларида шоира Жаҳон отин Увайсийнинг 200 йиллик тадбирлари бўлиб ўтди. Зулфия опа юбилей комиссияси раиси эдилар. Фарғонада, Шохимардонда, Марғилонда бўлиб ўтган увайсийхонлик кўнлари файзи, шуқуқи Тошкентга кўчди. Баҳор саҳнасида халқимизнинг суюкли, таникли олим шоирлари. Зулфияхоним худди юлдузлар буржида энг ёрқин юлдуздай чарақлаб тўрда ўтирарди. У малла рангли, ҳошиялари ипак билан тикилган каштали кўйлақда маликаларга ўхшаб кўрinarди. Унинг теғрасида бўлбул овозли Ҳалима Носирова, таникли олимлар Музайяна Алавия, Суома Ғаниева, Махбуба Қодирова, Эътибор-хон Иброҳимова чиройли бўлиб тилишиган. Кечанинг раисаси Зулфия шоирлар, хонанда қизларга илтифот ва назокат билан сўз берар, ғазаллар шеърларга, ашулаларга, сўзларга уланарди. Кеча файзга, сурурга тўлиб борарди. Мен ҳам ушбу кечада Жаҳон отин Увайсийнинг “Мандин ўрдани” радиолари газагини ўқигандим. Устоз аруз вазида жуда кам ёзсалар-да, бу кеча Увайсийнинг “Замона кўлдати” деб бу кўнгли доғ ўлди, доғ ўлди” газагини татабўб қилиб, ёзган “Тоғ ўлди, тоғ ўлди” радиолари мухаммасини ўқиб

бердилар. Мухлислар ҳаяжон билан тинглашди, узоқ олқишладилар. Азиз ҳофизамиз Ҳалима Носирова кеча бошланиши олдиндан шогирди Мақсаҳдон Юнусовага Увайсийнинг “Забонингни келтургин эй шакарлаб тўти, гуфтора” матлаи билан бошланувчи газагини ўргатдилар. Мақсаҳдон бу ашулани шунчалар мароғига етказиб қуйладикки, “Баҳор” концерт залининг шифтлари зириллаб кетди. Мақсаҳдон ашула айтarkan, Ҳалимаҳоним ҳам бармоқларини қарсиллатиб унга қўшилиб, ўтирган жойларида хиргойи қилиб бердилар. Назаримда, ўша газаҳли кечасида нафақат Увайсий, балки Зебунисоёгим, Нодирбағим, Анбар отин ва Дилшод Барноларнинг руҳлари шод бўлди. Ғазал ва кўнгли оҳангидан диллар сел бўлди. Кўнғилларга ҳаёт шавқи ва завқ тўлган эди. Зулфияхоним бошқарган ҳар бир анжуман, шеърят кечаси шундай мароқли, бетакрор ва файзли ўтарди.

Зулфияхоним дўстларига, устозларига, яқинларига ниҳоятда меҳрибон ва садоқатли эди. Уларнинг қийин-қаттиқ кунларида, яхши-ёмон лаҳзаларида ёнида бўлишни, кўнглини кўтаришни яхши кўрарди.

Зулфия опа қардош мамлакатларга, жаҳоннинг барча давлатларида катта анжуманларда қатнашар, минбарларда сўз айтар, шеър ўқирди. Ҳамиша ёнларида Шарқнинг буюк олимлари, шоирлари азим чинордай уни паноҳига олиб боришарди. Гафур Ғулوم, Мирзо Турсунзода, Константин Симонов, Мустай Карим, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир... Уларни Зулфияхоним катта оғаларидай ҳурмат қилар, эътиборлар, муҳаббат ва эҳтиром тўла сўзлари билан алқар эди.

Узи улуғларга ҳурмат қўрсатиб, иззатини жойига қўйган одамларга эл ичра обрў-эътибор, шону шухрат топадилар ва шогирдларининг меҳри, соғинчидан яшайдилар. Зулфияхоним ҳам ана шундай буюк устоз макомига эришган, шону шухрат аршига кўтарилган ва мангунликка дахлдор бўлиб қолган ёрқин сиймолардан биридир.

Ойдин ҲОЖИЕВА,  
Ўзбекистон халқ шоираси.



Райхона ХУЖАЕВА, "O'zbekiston bunyodkori" муҳбири.

– Бу гуллар сизга!  
Эндигина доскага мавзунни ёза бошлаган йўлдамда овоз келган томонга ўтирилди. Жажжи шогирди қўлида бойчечак билан устозига термулиб турарди.

Баҳорнинг нозик гули сулиб қолмасин, деб илдизи билан қовлаб олингани учун тупроқнинг нами кетиб улгурмаганини кўрган муаллима бир муддат қотиб қолди ва жимгина дераза томонга ўтирилди. Кўз ёшларини ўқувчиларга кўрсатмасликка ҳаракат қилса-да, елкасининг титрашидан йиғлаётгани сезилиб турарди. Ўқувчилар жим бўлиб қолганига, фақат бойчечакни олиб келган бола хавотирли нигоҳи-ла устозига боқиб, “Наҳотки, дарсга кечга қолганим учун йиғлаётган бўлса?” деб ўйларди.

...Ушанда ҳам худди ҳозиргидек, эрта баҳор кезлари, у ҳам шогирдлари сингари 1-синф ўқувчиси эди. Дарсдан кейин синфдошлари билан қишлоқ четигадаги жарликка бойчечак тергани боришди. Ҳамма ҳар томонга тарқалган, энг чиройли бойчечакни териб учун бир-биридан ўзиб югурарди. Шу пайт у жар қияроғидаги бута тагида эндигина очилган бойчечакни кўриб қолди. Нафармон чиқилари тарам-тарам, бошини янги келинчақдек хиёли эгиб турган нозиккина гул уни ўзига оҳанрабодек тортарди. Мана, қўлини яна озгина узатса, етиб қолади... Аммо шу пайт оёғи остидаги тупроқ ўпирилиб, нимадир “қарс” эди. Сўнг нима бўлганини билмайди, кўзини очганда касалхонада ётар, тепасида эса онаси кўз ёш тукиб турарди...

– Отажон, чанқадим, сув беринг... Пиледаги сувни ичиш учун ўрнидан туришга уринган қизалоқ негадир бир оёғи ҳаракатланмаётганини ҳис қилди. Ҳайрон бўлиб, онасига қараса, волидаси кўз ёшини арганча ерга боқади. Устидаги ёпинчқини шартта очган қизча бир оёғининг тиззасидан пасти кесиб ташланганини кўриб, қўрқиб кетди. Кичиклигига қарамай, бу ҳаётдаги энг бахтсиз кун эканини, энди ҳеч қачон бошқалардек тўла-тўқис бўлмаслигини билган, ўксиб ёлғлади.

Эртаси кунни устози бошчилигида синфдошлари кўргани келиши. Синфдошлари уни қандай қилиб юпатишни бил-

мас, аммо уларнинг беғубор нигоҳларида ҳамдардлик акс этганини сезиш қийин эмасди. Узларича бир нималар деб унинг кайфиятини кўтаришга уринишарди. Устоз эса ҳар кунни дарсдан кейин келиб, сабоқ берар, синфнинг энг аълочи ўқувчиси орқанда қолиб кетмаслиги учун жон куйдирарди.

Бир ойдан сўнг мактабга чиқди. Ҳеч ким унинг бу аҳволдан гапирмас эди, у ич-ичидан эзилар, ўртоқларига қўшилиб танаффусда турли уйинлар ўйнагиси келарди. Аммо энди бунинг ҳеч имкони йўқ.

Вақт ҳар нарсага даво экан, ҳаммаси изига тушиб кетди, бироз оқсоқланиб юришга ўзи ҳам, оила аъзолари-ю, мактабдошлари ҳам кўниқиди. Фақат... у ўзи севган гули – бойчечакни ёмон кўриб қолганди. Ҳар баҳорда бойчечакни курсэки у ҳақда нимадир айтса, ўша машъум воқеа хотирасида уйғониб, қалбига озор берар, бир пайтлари тенгдошларига қўшилиб қўлида гул билан қишлоқ оралаб қўшиқ айтгани ёдига тушарди.

*Бойчечак териб келдик, эшигингизга,  
Қўчордай ўғил берсин, бешигингизга.*  
Бойчечак, бойчечак...

Энди эса бу қўшиқни эшитишга ҳам журъати етмайти...

Мактабни битиргач, олиғоҳга кирди. Олий маълумотли муаллима бўлиб, ўзи ўқиган кадрдон даргоҳда бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ бериб келмоқда. Болалар унинг дунёси, қорону оламига сочилган зиё каби қадрли. Уларга битта ҳарф ёки битта сўзни ўргатиб, ўзи ҳам ҳузурланади, қалб огринини унутгандай бўлади.

Бугун эски яраси тирналди. Неча йиллардан бери қўришга, қўлларига олиб хидлашга журъати етмаётган бойчечакни унга энг сеvimли ўқувчиси совға қилди. Утган воқеалар қанчалки дахшатли бўлмасин, шу дамда бу митти гулни ниҳоятда соғинганини ҳис қилди ва бир муддат бўлса-да, юрагини қоплаб ётган нафрат, эски хотиралар қаергадир йўқолди. Лой аралаш бир ҳовуч тупроқда маъюсина жилмайиб турган бойчечакни қўлига олиб, тўйиб хидлади ва сўнг ўзига ҳайрат билан боқиб турган болакани маҳкам бағрига босиб, шивирлади:

– Раҳмат сенга, қалбимга баҳорни қайтардинг!..

## Баҳор мағзи

Райхон ТАНИҚУЛОВА.

Деразмнинг олдида бир туп ўрик оппоқ бўлиб гуллади...

Социлган бодрокдек гуллаган ўрикни кўрган инсоннинг ёдига баҳор куйчиси – ҳассос шоир Ҳамид Олимжоннинг ушбу сатрлари тўша ажаб эмас. Лаבלар эса беихтиёр пичирлайди:  
Новдаларни бебаб гунчалар...



Ложувард осмон сари бўй чўзган оппоқ гулларга буркандан ўрик гуллари қалбаларга қувонч бағишлайди, кўнғилда аллақандай туйғуларни уйғотади, соғинчми, муҳаббатми, бахтми...

Дарҳақиқат, табият уйғониш асносида ажиб бир латифлик сари эврилди. Эндигина ниш ураётган майсалар, майин эркаловчи шабада, бир-бирига гал бермай чуғураётган қушлар...

Булларнинг шоғирчи жуда ёқимли, бетакрор. Худди оҳанрабо каби кишини ўзига тортади. Қани энди турмуш ташвишлари, иқир-чиқирлари, муаммолардан қочиб тоғлар бағрига, ёхуд олис қишлоққа бош олиб кетсанг. Тоғлар сукунатига қулқот тутсанг, булбуллар хонишидан завқлансанг, дарё сувларини ҳовучлаб сочсанг...

Томчиларда қуёш акс этади, гўёки, ҳар бир қалбада баҳор кўз очаётгани каби. Тубсиз осмон бағрида оппоқ булутлар кезади. Шундай пайтларда баъзи бир кишиларнинг “мўъжизалар аслида йўқ”, деган гапларига ажабланасан.

Бир киши авлиё – каромат соҳиби бўлган кишига: – Менга мўъжиза кўрсат, – дебди. Комиллик йўлидаги устод эса: – Сен менга мўъжиза бўлмаган бирор нарсани кўрсат, – дея жавоб қайтарибди.

Дарҳақиқат, уйғониш фасли баҳор ҳам худди сеҳргар каби кўз ўнгимизда ўз санъатини, тароватини, гўзаллигини намойиш этмоқда. Бу мўъжиза ҳар бир қуртакда, ҳар бир унаётган майсада, ҳар бир томчида жилваланади. Унинг таровати қалбаларга эзгулик уруғини қадайд. Ўз-ўзидан қимгадир яхшилик қилгинг, яхши гапиргинг келади. Чехралар очик, табассумлар эса беминнат.

Биз эса нарсаларимизни йиғдик, сафарга отландик. Бизни кўчоқ очиб кутаётган тоғлар бағрига, қишлоқлар сари, чехралар қўёшдек иссиқ соддадил инсонлар сари, кенг яяловлар, яшил ўтлоқлар сари... Ҳарҳолда ўзимиз бўлмасак-да, қалбимиз, хаёлларимиз мўъжизакор баҳорий сафарга отландик: – Қани кетдик!

## Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

Март ойининг илк кунларига таваллуд аёлларини нишонлаётган

“Ўзбекистон бунёдкори” ижтимоий-иқтисодий газетаси бош муҳаррири ўринбосари **Абдусами Хақбердиев**, Андижон вилояти қурилиш бош бошқармаси Архитектура бўлими бошлиғи **Ўткирбек Ғойимов**, Жалақудуқ тумани Қурилиш бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Анваржон Аҳмедов**,

Қашқадарё вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош инспектори **Ҳасан Қосимов**, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош инспектори **Бахтибай Торешов**, “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Қорақалпоғистон Республикаси филиали бош бухгалтери **Гулайим Эшмуратова**,

Наманган вилояти қурилиш бош бошқармаси Шаҳарсозлик қонунчилигига rioя этилиши назорати бўйича архитектори **Муроджон Асқаров**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош инспектори **Сирожитдин Аҳмедов**,

Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳар қурилиш бўлими бошлиғи **Нодиржон Ҳамрақулов**, Нуробод тумани Қурилиш бўлими бош мутахассиси **Бахтишод Исигордиев**,

Сирдарё вилояти Гулистон тумани қурилиш бўлими архитектори **Нодирли Усмоналиев**, Қурилиш бош бошқармаси қошидаги АРТТ бўлими 1-тоифали мутахассиси **Шоҳида Абдушодиқова**,

Тошкент вилояти, Бўка тумани қурилиш бўлими Шаҳарсозлик қонунчилигига rioя этилиши назорати бўйича архитектори **Саломатдин Эшмаматов**,

Тошкент шаҳар Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси раҳбари котиби **Нодиржон Нейматов**,

Хоразм вилояти, Гурлан тумани Шаҳарсозлик қонунчилигига rioя этилиши назорати бўйича архитектори **Шарифбай Худайбергеновлари** чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, файз-баракат, мустақкам соғлиқ тилаймиз!**

ИЎТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТА

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

**СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА**

<p><b>Тахрир хайъати:</b> Батир Закиров (Тахрир хайъати раиси), Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарифов, Юлдаш Мағрулов, Жамшид Исмаилов, Фолижон Маджидов, Кўдратбек Хошимбеков.</p> <p><b>Тахририят:</b> Бош муҳаррир Бош муҳаррир ўринбосари Саҳифаловчи Мусаҳҳих</p>	<p><b>Дилшод Жалолов</b> <b>Абдусами Ҳақбердиев</b> <b>Акмал Махкамов</b> <b>Райхон Таниқуллова</b></p>
<p><b>Газета «Ўзбекистон бунёдкори»</b> <b>Наشريёт уйи МЧЖ томонида</b> <b>нашрга тайёрланди.</b></p> <p><b>«Ўзбекистон бунёдкори»</b> <b>Наشريёт уйи МЧЖ муассислари:</b> Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиғи, «Ўзсаноятқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАНКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш индустрия» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.</p>	<p><b>Вилоят муҳбирлари телефон рақамлари:</b> <b>Қорақалпоғистон Республикаси:</b> 90-590-37-15. <b>Андижон вилояти:</b> 95-410-15-18. <b>Бухоро вилояти:</b> 99-705-50-15. <b>Жиззах вилояти:</b> 99-525-30-05. <b>Навоий вилояти:</b> 99-731-17-40. <b>Наманган вилояти:</b> 90-553-02-34. <b>Самарқанд вилояти:</b> 95-560-30-45. <b>Сурхондарё вилояти:</b> 91-981-61-63. <b>Фарғона вилояти:</b> 90-230-85-23, 90-163-63-82. <b>Қашқадарё вилояти:</b> 99-503-43-39. <b>Хоразм вилояти:</b> 97-459-74-85.</p>

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ақборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси – 466. Буюртма – 6343.  
2674 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.  
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган.  
Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762.  
Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Табрият манзили:**  
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.  
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (жабулхона), 71-244-15-13 (котибият), 71-244-22-10 (бухгалтерия), 71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).  
**E-mail:** uzbuynodkori@gmailuz

**Корхона манзили:**  
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.  
**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.  
**Навбатчи** – Р. Ҳужаева.  
УзА якуни – 22.30. Топширилди – 23.25.  
1 2 3 4 5 6